

ОНА-ВАТАНГА БУ — ҚУТЛУҒ АРМУҒОН!

«ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК РЕЖАСИНИ АДО ЭТДИЛАР

КЎПЛАШИБ, КЎМАКЛАШИБ

Куйичирчиқ тумани пахтакорлари ҳам зафар манзилига яқинлашиб келмоқдалар. «Ўзбектент», «Тошовул», «Гулистон», «Юлдуз» ва «Ўзбекистон» жамоа ҳўжаликлари қўшимча мажбурият ҳисобига пахта топширмақдалар. Даладаги ҳосили йилг-териб олишда Оҳангарон, Тошкент, Янгийўл шаҳарлари, Зангиота, Бектемир ва Қўрай туманларининг меҳнатқиллари Куйичирчиқликларга яқиндан кўмак бермоқдалар.

ПАХТА терими кўпчилик билан дейдилар. Шу боис биринчи чаноқ кўз ёрлими, ҳамма жонсарақ бўлиб қолади. Шу боис биз оҳангаронликлар ҳар йилгидек бу мавсум ҳам пахтакорларимизга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатишга ошқидик. Қалб амри билан далага отланган 2600 нафар Оҳангарон шаҳар фуқароси Куйичирчиқ туманидаги «Янги ҳаёт», «Гулистон» ва Улуғбек номли жамоа ҳўжаликларидан пахта термоқдалар. Шаҳардаги йирик Оҳангарон цемент комбинати, «Шифер» ҳиссалорлик жамияти, ун комбинати, шаҳар халқ таълими бўлими 3-таъмирлаш-қурилиш бошқармаси, 13-автокорхона, қурилиш трести, шаҳар хунар билим юрти сингари жами 32 корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишчи-хизматчилари «оқ олтин» хирмонини тезроқ бўлиб этишга аризули ҳисса қўлишга ҳаракат қилдилар.

Теримда вақтнинг қадри

жуда баланд бўлди. Бу йил йилгим-терим эрта бошланганини ҳисобга олиб биз шаҳарликлар ҳам ҳашарга барвақ отландик. 23 сентябрдаёқ мўлжалдаги одамларимиз пахта далаида бел боғлаб ишга киришди. Шаҳар ҳокимлиги, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари пахтага чиққан ҳашарчиларнинг таъминоти, меҳнат шарафоти ва маданий дам олиш ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатдилар. Тез-тез жойларга чиқиб, ҳашарчиларнинг ётоғи, соғлиғи, меҳнат интизоми ва бошқа эҳтиёжларидан доим бохабар бўлиб турдилар.

Шароит кўнглидагидай ва мустақкам интизом бўлган жойда, табиийки, ишла юқори унум таъминланади. Бунини шаҳар корхоналари ва ташкилотлари теримчилари ўрта-сида ташкил этилган мусобақа яқунларидан ҳам кўрса бўлади.

Меҳнат бешлашувиди пахтага энг кўп одам кучи йўллаган Оҳангарон цемент комбинати ва «Шифер» ҳисса-

дорлик жамияти жамоалари етакчилик қилишди. Даладаги ҳосил қўғи ҳозир анча қамийиб қолганига қарамай, бу икки корхонанинг ҳар бир ходими кўнглига хирмонга териб тўкаётган пахта 35-45 килограммдан озаймапти.

«Шифер» ҳиссалорлик жамияти вакилирининг ҳозиргача терган пахтаси 200 тоннага яқинлашиб қолди. Корхона ишчилари Даладон Нишонов, Эйтибор Нишонов, Исроил Худойбердиев ва Ро-за Алиевларнинг ютуқлари барчани қувонтирмақда. Бу фидойиларнинг қўлида терган пахтаси 75-80 килограммдан кўпроқ тош босапти. Ҳар қайсиларнинг мавсумда терган пахтаси 2-2,5 минг килограммдан ошиб кетди.

Яқинда Улуғбек номли жамоа ҳўжалиги раиси Ўсканбой Атемов билан суҳбатлашиб қолдик. «Оҳангарон аҳолисига минг раҳмат, — деди у юзида табассум билан. — Сизларнинг кўмагиниз бўлмаганда режани эрта улдалай олмамасдик. Тўғриси, бу гапдан кўнглим кўтарилди. Ҳам-шаҳарларимнинг ҳиммати-дан, меҳнат шижоатидан гуруланиб кетдим.

Абдулазиз ЎРОЛОВ,
Оҳангарон шаҳар ҳокимининг биринчи муовини, пахта штабнинг бошлиғи.

● АЗАДЛАШ пахта етиштириш, уни йилг-териб олишда илгирлик қўлидан бермай келётган Янгийўл туманидаги «Тинчлик» жамоа ҳўжалиги деҳқонлари бу йил ҳам тумандаги деҳқонлар билан режани бажаришга муваффақ бўлишди. Бунда меҳнаткорлар, айниқса, гайрат кўрсатдилар.

А. МАЛЫЦЕВ олган сурат.

ЎША куни кечқурун ҳўжалигимиз давлатга 4800 тоннадан зиёд пахта топширганини, йиллик режани бажарганини айтишиб, ме-ни табриклашди. Эртасига оқшомда ҳўжаликдаги барча бригадалар бошлиқлари, меҳнаткорлари, илгор теримчилари илгорида йиғилишди.

Марра эгалланиши муносабати билан ҳаммамизга икки ойлик маошимиз миқ-дориди мукофотлар топширилди. Ун тарқатилди. Кўп-ларга қўй, гунаҳин, йилгим-терим мавсумидан кейин дам олиб келиш учун санаторий, ҳордиқ масканлари-га бепул йўлланмалар берилди. Ҳамкасбларим Б. Сеит-хонов, Н. Янгийўлов, Ж. Аб-дусаматов, Ш. Зокировлар-га пул мукофотлардан таш-

қари, турли совғалар ҳам топширилди. Йиллик режасини 120-130 фоиздан оширган Ж. Ибраев, К. Хон, А. Норбоев-лар бошлиқ бригадалар, ме-ханиклар пул мукофотлари билан бирга қўшимча совға-ларга ҳам сазовор бўлишди. Булар ҳақида гапирётган-

нимнинг боиси бор. Ҳўжали-гимизда меҳнат кишига ҳа-миша эътибор билан қараб келинмоқда. Биз шунга жа-ловоб янада баракали иш-ляймиз.

Ўзимдан қиёс. Зоир Ҳа-ми-

дов бошлиқ бригадаларда кўп йилдан буён механизаторлик қилиб келаман. Бригадамиз бу йил 94 гектар майдонда пахта етиштириб, гектаридан 35 центнердан ҳосил олди.

Бу йил йилгим-терим ма-всумида алоҳида ҳозирлик кўр-дик. Машиналар таъмирла-

кин ҳўжалик раҳбарлари, му-тахассисларига раҳмат. Мақ-сулот алмаштириб, эҳтиёт қи-смларини етказиб беришпти.

Ҳўжалигимизда ҳар бир механизатор ўз ҳисоб-китоби-га эга. Шунинг учун техни-кани авайлаб ишлатишга ўр-гандик. Биркитилган маши-

монига муносиб улуш қўш-дим. Терган пахта 180 тон-надан ошиб кетди.

Мени бир нарсга қувонти-рипти. Ҳўжалигимиз қарори билан режани бажаргандан кейин ҳосилнинг 40 фоизи, режадан ортиқча ҳосилнинг эса ҳаммаси ҳўжалигимиз и-хтиёрига қолди. Меҳнатимиз-нинг бундай қадрланиши кайфиятимизни кўтарди. Чунки деҳқон қанча кўп да-ромат топса, жамоа ҳўжали-ги ободонлашади, оилалар фаровон яшайди, одамларин-г меҳнатга, ўзи истиқомат қилаётган ҳудудга илҳоси, иштиёқи ортиб бораверади.

Б. ХОЛДОРОВ,

Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа ҳўжалиги меҳнат-ҳайдовчиси.

БАҒРИМГА БОСАМАН ДЕҲҚОНИМ БУҒУН

Шодликдан кўп-ларга етди бу бошим,
Қабимда қайтадан қўли қўшим,
Қўзимда қалқиди севинчдан ёшим,
Тошкентим режани этди деб адо,
Борлиққа таралғач жарангдор садо.

Осмонга бўй қўзди улкан хирмонлар,
Ниҳоят, чекинди йиллик армонлар,
Ором бағишлади зафарли онлар,
Вилоят бурчини этди деб адо,
Борлиққа таралғач жўшқин бир садо.

Баралла айтайин дила борини,
Сездим мен деҳқоннинг номус-орини,
Ўзига ярашган ифтихорини,
Тошкентим режани этди деб адо,
Борлиққа таралғач жарангдор садо.

Мавсумда бизларда ҳамма пахтакор,
Суворий, теримчи, барча мададкор,
Атадим уларни аҳда вафодор,
Тошкентим режани этди деб адо,
Борлиққа таралғач жарангдор садо.

Ёмғирга бардошли кунлари учун,
Ўйқусиз ўтказган тунлари учун,
Бағримга босаман ҳар бирин кучиб,
Тошкентим бурчини этди деб адо,
Борлиққа таралғач бир жўшқин садо.

Минг раҳмат миришкор бободеҳқонга,
Бугун у муносиб шарафа-шонга,
Таъзим айладим шу буюк инсонга,
Тошкентим режани этди деб адо,
Истиқлол юртида янграйвер садо!

Саид ВАЛИ.

ҲОРМАНГ ЭНДИ!

ПАХТАМИЗ бизнинг мамлакатимиз шароитида ҳақиқатан ҳам тараққиётимиз, фаровонлигимиз негизидир. Шу сабабли ҳам, «оқ олтин» терими бошланиши билан ҳаммамизнинг фикри-зиқрини уни тез ва сазовор олишда бўлади. Ахборотларни кўз-қулоқ бўлаб ўқиймиз ва эшитамиз. Пахтамиз йилг-териб олиш умумхалқ иши бўлиб қолганини ҳам шундан.

Бу йил виллоятимизда пахта йилгим-теримига сафарбарлик алоҳида жонқуярлик билан уйғунлашиб кетганлигини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин. Дийримизнинг улкан пахта хирмонини яратишда халқ ҳўжалигининг барча тармоқларига қарашли корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ҳар бир меҳнат жамоаси баҳоли қудрат қатнашди ва унга ози-қўпини ўз улушини қўшди. Биз, транспортчилар ҳам бу умумхалқ қурашдан четда қолмадик. Концернимизга қарашли барча автокорхоналар пахтакорлар, ҳашарчилари ўз вақтида «оқ олтин» далаварига олиб бориш ва даладан олиб келишда хизмат кўрсатдилар. Ҳар кун шунга мақсад учун 300—350 автобус акротиб турирди. Юзлаб ишчи-хизматчиларимиз эса бевосита пахтакорлар билан ёнма-ён туриб, уларнинг меҳнатлари билан етиштирилган қимматли хомашёни йилг-териб олишда қатнашдилар.

Виллоятимиз пахтакорларини катта ғалаба — давлатга «оқ олтин» етказиб бериш режасини бажарганликлари билан чин дилдан қутлар эканимиз, бу ютуққа ҳисса қўшганлигимиз билан фахрланамиз.

Хорманг энди, азиз пахтакорлар!

Қ. СИДИҚНАЗАРОВ,

«Тошвилийўловчирман» концерни раиси.

ЁНМА-ЁН

Халқимизда азалий удум бор. Бу — ҳашар. Мавсум бошлангидики, виллоят давлат солиқ бошқармаси ҳодимлари ҳам элимизнинг ана шу одатига амал қилиб, виллоят пахтакорларига баҳоли қудрат ёрдам бермоқдалар.

Солиқчилардан 15 киши Куйичирчиқ туманидаги «Тошовул» жамоа ҳўжалигида доимий тарзда пахта теримига иштирок этаётирлар. Жамоамизнинг бошқа аъзолари эса мавсумнинг дастлабки кунлариданоқ ҳафтанга шанба ва якшанба кунларини пахта далаларида ўтказишни одат қилдилар. Улар Янгийўл туманидаги «Озод», «Тинчлик», «Ҳамрокул Турсунқулов номли, Ниёзов номли жамоа ҳўжалик-ларида пахтакорларга қўлдан келганча ёрдам бераётирлар. 40-45 кишининг ҳар бири 30-35 килограммдан ҳосил териб топширмақда.

Сирасини айтганда, виллоятимиз пахтакорларининг бугунги катта ғалабаси барча ҳашарчиларнинг ҳам меҳнат ютуғидир. Негаки, бизлар ҳам мавсум бошдан бери етак боғлаб, деҳқонлар билан ёнма-ён туриб, етиштирилган мўл ҳосилни йилг-териб-саранжомлаб олишга ўз ҳиссамизни қўшдик. Шундай экан, виллоятнинг бугунги катта меҳнат зафа-ри билан ҳақли тарзда фахрланамиз. Меҳнат ғалабангиз муборак бўлсин, «олтин қўли» пахтакорларимиз!

Абдулҳай МАНСУРОВ,

виллоят давлат солиқ бошқармасининг бўлим бошлиғи.

ҚУВОНЧИНГИЗГА ШЕРИКМИЗ

Виллоятимиз аҳлининг хурсандчилиги чексиз, кайфияти кў-таринки. Ахир шундай кунда қувонмай бўладими. Виллоятимиз пахтакорлари 280 миң тонналик хирмон уйиб, давлатга пахта топшириш йиллик режасини бажардилар.

Албатта, бу ғалабага осонликча эришилмади. Бунда эрта ба-ҳордан то бугунгача тиним билма-ган деҳқонларнинг ҳам, ишчи тад-биркорлик билан ташкил этган раҳбарларнинг ҳам, машаққатлар авзаига етиштирилган ҳосилни тезроқ йилг-териб олишда қатнаш-ти бўлган ҳашарчиларнинг ҳам му-носиб ҳиссалари бор.

Ўзбекистонимизда пахта йил-гим-терими даврида ҳамма ўзини пахтакор деб билади. Шу боис ҳам

ТИББИЁТЧИЛАР СЎЗИ

ВИЛОЯТ пахтакорларининг бугунги катта меҳнат ғалабасида виллоятимиздаги етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир фуқаронинг, у қайси касб эгаси бўлишини қатъий назар, ҳақ ўқучи бўлсин, ҳақ ишчи, ҳақ муаллим, ҳақ олиқ, барча-барчасининг муносиб улуши бор.

Шу жумладан, биз тиббиётчи-ларнинг ҳам. Виллоят соғлиғини сақ-лаш бошқармаси қарамоғидаги барча тиббиёт муассасалари ҳо-димлари ўз зиммаларидаги масъу-лиятни ваъдаларини адо этиш би-лан бирга мавсум бошдан буюн йилгим-теримда ҳам фаол иштирок этиб келадилар.

Янгийўл, Чирчиқ, Бекобод, Ол-малик, Ангрэн, Қўрай, Паркент, Бўстонлик, Зангиота, Оҳангарон, Шўбонлик туманларидида даво-лаш-профилактика муассасалари-нинг мингдан ортиқ тиббиёт хо-димлари ўзларига бйикитилган пахтакор туманларидан бебаҳо боғлиғимиз бўлган «оқ олтин» тезроқ йиғилиштириб олиш учун фи-

Р. АҲМЕДОВ,

ҳўжалик бош иктисодчиси.

пахтакорлар меҳнатини тараннум этувчи қўй-қўшқилар ихро этиш би-лан бирга уларни янглиқлар бил-лан ҳам таништириб боришлар. Шу-нингдек, 100 дан ортиқ кўча му-тубончалар ҳам йилгим-терим ишти-рокчилари хизматида бўлди.

Ўз навабатида виллоят маданият бошқармаси ҳодимлари Куйичирчиқ тумани пахтакорларига доимий кў-макдос бўлишди. Янгийўл тумани-да ҳар кун ҳашарда қатнашди. Бугунги меҳнат ютуғида биз ма-даниятчиларнинг ҳам ози-қўпини улушини қўшдик. Бундан фойдаланиб, виллоятимиз аҳлини ана бир зафар билан муборакбод этамиз!

З. СОЛИХОВ,

виллоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи.

йилгим-теримга жалб этилган ҳашар-чиларнинг соғлиқларидан доимий ҳа-бардор бўлиб турдилар. Бундан таш-қари, виллоятдаги шифокорларнинг таърибули шифокорларни кечаси-ю—кундузи ердангач шай ҳолда бў-лилар. Албатта бу ишларимиз ма-всумий эмас. Биз йил ўзи икки ой ме-хнаткаш, қўли ҳадоқ, қўлиги пахта-дек оқ деҳқонларимизнинг хизмати-га ҳаммаша тайёриймиз. Уларнинг со-ғломат бўлишлари, меҳнатлари са-марасини қўриқиб бекхата мулараб-бўлишлари учун қўлимиздан қолган барча ишларни қиларемиз.

Хорманг энди, азиз бободеҳқон-лар!

Бугунги катта зафарингиз билан кўп минг кишилик виллоят тиббиётчи-лари номидан яна бир бор муборак-бод этамиз. Ватанимиз равақли йў-лидаги меҳнатингизга барака, ўла-рингизга соҳилат-саломатлик, оила-рингизга хотиржамлик тилаймиз.

А. РАҲИМОВ,

виллоят соғлиғини сақлаш бошқармаси бошқармаси бошлиғи.

ОФАРИН!

ТОШКЕНТ виллояти пахтакорларининг зафарли маррага етганликларини эшитишимиз биланоқ дилимизда ёруғ чироқ ёнгандай бўлди. Ифтихор туйғуси вужудимизни қамраб олди. Бу бежиз эмас.

Биз санъаткорлар баҳор, ёз бўйи виллоят туманлари меҳнатқашлари ҳузурида бир неча бор бўлдик. Дала шийон-ларида, бевосита пахтазор-ларда очик майдончаларда турли сахна асарларидан пар-чалар, театрлаштирилган кўр-сатувлар, концертлар на-мойиш этиб, фидойи деҳқон-ларимиз кўнглини чоғ этиш-га интилдик. Ана шу жараён-да юртбошимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари асосида қишлоқда рўй бераётган кат-та ўзгаришларни кўриб беҳад қувондик. Қишлоқ аҳли Пре-зидентимиз юрғизаётган оқи-лона сиёсатга содиқлигининг, ғамхўрликлардан миннат-дор эканлигининг гувоҳи бўл-дик.

Биз истиқлол тўғайли вил-лоят туманларидан буюк алло-маларимиз — Амир Темур, Ҳўжа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек ва бошқа мутафаккирларнинг фаолияти билан боғлиқ тан-

таналарни ўтказганимизда кекса отахонларимиз, муста-қил республикамиз, виллояти-мизда юртбошимиз ва ҳуку-матимиз ғамхўрлиги тўғайли катта бурилишлар рўй бе-раётганлигини, юртимиз обо-донлашиб фойз кириб бо-раётганлигини эътироф этиб, «пахтакорларни улуг сиймо-ларимиз руҳи қўллаб-қувват-ласин», дея хайрли сўзлар айтганликлари кечадигек қу-лоқларимиз остида жаранг-лаб турибди.

Отахон, онахонларимизни-нг қалб тубидан чиққан умид-бахш каломлар Аллоҳ инояти билан мустажаб бўлди. Пойтахт виллоятимизнинг кў-нгли пахтаидай оқ азамат деҳқонлари, сизларга бундан кейин ҳам омад ва толе ёр бўлаверсин!

Ёқуб АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон халқ артисти.
Муҳаммад Али АБДУҚУДУРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Иқтисодчи минбари

ҲАМЁНИМИЗ БАРАКАЛИ БЎЛАДИ

С. САЙМОВ номли жамоа ҳўжалигимиз Бўка туманидаги илгор ҳўжаликлардан ҳисобланади. Бу ерда ҳар йил ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам йиллик режа барвақт ва ошйиб ўдала-нади. Давлатга мўл, сифатли пахта топширмақда. Бунинг сирини шундаки, деҳқонлар халқимизнинг ишнинг омади ўз вақти, деган доно нақиса қатъий амал қиладилар. Ҳар бир табирий режа, ҳисоб-китоб билан тежамкорлик асосида амалга оширадлар.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар бир касб эгаси, айниқса, бойлик яратувчи одам бирон ишга қўл уришдан олдин, энг аввало, ўзи-га, қолаверса, эл-юртга келадиган фойдани, манфаатни ўйлай-ди. Биз пахтакорлар ҳам бун-дан мустасно эмасмиз. Деҳқон борки, у қанча ери борлигини, экинчи ҳай маҳалда бошлаб, қай маҳалда тугатиш, қанча қўл саклаб қолиш, уни эртаги қилиб етиштириш учун қўриладиган қура-тадбирлар ҳақида обдон ўйлайди, бош қотиради. Сарф-ҳаражатларини чамалайди, ҳосилнинг танчарки арзон бў-лишини кўзлайди. Кейин шунга яраша оладиган даромади-ю, буромадини чамалайди. Шу ният шу мўлжал билан ишга ки-ришади.

Лекин очигини айтиш керак, илгари пахтанинг харид нархи анча арзон эди. Агар об-ҳаво қулай бўлиб, ҳосил мўл бўлса, уни эрта териб топшириш им-кониятларидан фойдаланишди.

бу жуда яхши. Анча фойда кўриш мумкин бўларди. Бироқ шароит оғирлашса, об-ҳаво тўнини теска-ри қилиб олса, дала ишлари қийин-лашса, табиийки, ўз-ўзида сарф-ҳаражатлар ҳам кўпайиб кетиб, оқибатда ҳосилнинг сифати, сал-моғига путур этиб, деҳқоннинг ола-диган даромади ҳам кўнглидаги-дек бўлимади. Бу ҳол, албатта, унинг кайфиятига, навабатда иш-ларига таъсир қилмасдан қолмас-ди. Минг шукрки, Президентимиз-нинг фармони билан бу йил пах-танинг харид нархи кескин ош-тирилди. Эндилекда бир тонна пах-танинг харид нархи 8 миң сўмга тўғри келади. Бу дегани, ана ортча сарфланмайдиган, тежа-лида. Бизда ана шундай адо ма-хоратли деҳқонлар меҳнат қилиш-ди.

Дейлик, кўзга суз қўйиш тад-бири. Бунда ҳам гоёт эҳтиёткор-

лик керак. Қўсақнинг сонини кў-пайтиришга руж қилмаслик, ак-синча оз бўлса-да, бўлиқ ва сал-моқли, эрта етилдиган ва очила-диган қўсақлар олишга ҳаракат қи-лиш зарур. Шу мақсадда бизда ҳар йили шароитга қараб суз қўйиш эрта тўхтатилади. Бу йил 22 авгу-ста суз беришни тўхтатдик.

Яна бир нарсга ҳақида ҳам маъмурият астойдил бош қотирди: бизда жуда кўп йиллардан буюн асосий ҳосил машиналарда териб олинади. Эндилекда шароит ўз-гарди. Бунинг учун ҳаракат бўл-масди. Шунинг учун ҳам машина-лардан самарали фойдаланишга, ҳам илжон борича қўлдан пахта-ларни пўшса-пеш қилган териб олишга ҳаракат қилдик ва бу ҳа-ракатимиз озо кетмади. Юқорида айтганимдек режани анча барвақт бажардик. Асосан юқори навлп пахта сотдик.

Энди бу пахтадан қўрайдиган фойдамизни хомчўй қилиб кў-райлик. Юқорида айтганимдек ре-жани 1406 тонна. Бу режанинг 40 фоизи 560 тоннани ташкил этади. Унга режадан ташқари олинган 70 тоннани қўшсак 630 тонна бўлади. Бу ўзимизга қоладиган пахта. Ана энди уни толагга айлантирсак 210 тонна чиқди. Уни ўзимиз тасар-руф қилиб, сотсак камиди 12 ми-ллон сўм пул бўлади. Бу пул қўли-мизга келиш тўғри дейлик. Унинг 50 фоизини ҳар хил харажатларга чиқариб юборамиз. Ҳамёнимизда 5-6 миллион сўм пул қолади. Бу пулни деҳқонларга ойлик учун, уруғ, ёқилга ва бошқа мақсадлар учун сарфлаймиз. давлатдан қарз

ҲАМИША ХАЛҚҚА ТАЯНИБ, ҲАМИША ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги О. Х. ЖАЛИЛОВ билан суҳбат

— Мамакатимиз ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда наоғайиб босқичга қадам қўйди, — деб суҳбатни бошлади О. Х. Жалилов. — Иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, мулкни давлат таъсирини таъминлаш ва ҳуқуқий ҳалқнинг, республика иқтисодий ҳаётига ҳимоя қилиш бўлиб, эъланиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ички ишлар идоралари ҳамда бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ҳодимлари ҳам кенг қўлама билан ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўймоқда. Вилоят ИИБ шахсий таркиби миқдори ҳодимлари байрами кунини турли оммавий, ижтимоий-сиёсий тадбирларни амалга ошириш, жамоат тартибини сақлашнинг таъминлаш, давлат ҳиссасини ва божхона постларини мустақамлаш борасида ўзига топширилган вазифани муваффақият билан адо этиш билан кутуб олмақда.

Утказилган тадбирлар сабаби рўйхатга олинган умумий жиноятлар сони 6,3 фоизга, жиноят-қидирув бўлими бўйича содир этилган жиноятлар эса 6,7 фоизга қисқарди. Айниқса энг оғир жиноятлар — қотиллик, талончилик, босқинчилик, кишиларнинг мулкни уғирлаш, фирибгарлик, безорчилик, ўлим билан тугаيدиган йўл-транспорт ҳалокатлари сони ҳам анча камийди.

— Олимжон Холматович, гарчи жиноятлар сони ўтган йилдаги нисбатан анча камийган бўлса-да, бироқ ўғирлик, бошқалар мулкни ўзлаштириш, талончилик каби жиноятлар нисбатан кўп содир этилаётган холлар ҳам бор. Айтинг-чи, ички ишлар бошқармаси ва унинг қўйи бўғинлари жиноятларнинг мана шундай турини қамқатириш ва жиноятчиларга қарши курашишда қандай ишларни олиб борапти?

— Тўғри айтдингиз. Ана шу сабабли милиция ҳодимлари асосий эътиборини жиноятнинг шу турлари олдини олиш ва йўқотиш қаратмоқда. Мисол учун Янгйўл шаҳар ички ишлар бўлими кўп этган ва шаҳар шўри судланган юзлаб келтирилган. Шаҳар ИИБ илгари икки марта судланган Боборамон Шамухамедов ва унинг муқаддам олти марта судланган шериги Собит Шихонидоевларнинг жиноят устида қўлга олинди. Буни қарангиз, Шамухамедов ҳамтовоб билан бирга маст бўлиб, ўз онасини Эухра Имижонованинг уйдан 2,6 минг сўмлик мол-мулкни уғирлаб чиқибди. Нобокор фарзанд хатто онасининг ўлим-лиқа деб олиб қўйган газоминини ҳам ўғирлабди. Бу ниманинг оқибати? Табикики, Шамухамедов ва Шихонидоев ҳар қаерда ишларини, енгил-оғир кун кечирган, одамларни талаган, ўғирлик қилган ва пировадирга тубанликкача бориб етган. Шаҳар суди уларнинг икковини ҳам саккиз йилдан озодликдан маҳрум қилди. Янгйўл шаҳар ички ишлар бўлими эса мана шундай воқеаларнинг қайта таққорланмаслиги учун барча имкониятлардан самарали фойдаланяпти.

Тошкент туманида ҳам худди ана шундай воқеа содир бўлди. «Тошкент» жамоа ҳўжалигида яшовчи Сатторхон Аббосовнинг уйига тунда нибко кийиб олган ўғирлар кирди, деган хабарни эшитган туман ички ишлар бўлими ҳодимлари зудлик билан ишга киришди. Ўғирлар бу уйдан 201 та эркаклар шими ва бошқа кишимликларини унинг автомашинасига ортиб олиб чиқиб кетишди. Тезлик билан олиб боришга қидирув натижасида шу ишга қўл урган олти нафар ўсмир ушланди. Бундай жиноятларни фоти этишга тезкорлик билан олиб борилаётган қидирувлар сабаби эришилди, албатта. Аммо шунинг ҳам айтиш керакики, кишиларнинг мулкни уғирлаш каби жиноятлар вилот бўйича 328 тага камийганига қарамай, Бўқа ва Оққўрғон туманларида ҳамон содир этилаётган жиноятларнинг талай қисmini ташкил этапти.

— Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган

жазо сифатида 70 минг сўмдан кўпроқ жарималар солинди.

— Уюшган жиноятчилик ҳақида кўп гапирилади. ИИБнинг шу йўналишдаги фаолияти қандай бўлаяпти?

— Ички ишлар идораларининг асосий фаолияти жиноий гуруҳларнинг фоти этишга, оғир жиноятларнинг ҳамда жамоатчилик ўртасида акс садо берадиган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олишга ва уларни тезкорлик билан очишга қаратилган. Шу йўналишда олиб борилаётган ишлар яхши самаралар берапти. Жумладан, вилот ҳудудига шу йилнинг ўтган ойларида ўта оғир жиноят қилгани учун таркибда 95 нафар аъзоси бўлган 28 та уюшган жиноий гуруҳ фоти этилиб, улар томонидан содир этилган қотиллик ва босқинчиликлар, талончиликлар, ўғирчиликлар очилди. Жиноятчилардан 3 та енгил автомашина, бир неча қурол, кўп миқдорда ўқ-дорилар, анчагина пул ва қимматбаҳо буюмлар олинди.

«Қорадори-95» тадбирини ўтказиш ҳам яхши самаралар берди. Ушбу тадбир давомида 10,5 минг квадрат метр майдонда еттиштирилган, таркибда гиёвандлик моддалари бўлган ўсимликлар йўқ қилиб ташланди. 132 та жиноий ишлар қўзғатилди. Шунингдек жиноятчилардан 54 килограммдан кўпроқ гиёванд моддалари, шу жумладан, күпгина нафа, кўкнори, қора дори мусодара қилинди. Гапининг исботи сифатида бир мисол келтирмақчиман. Олмалик шаҳар ички ишлар бўлими ҳодимлари қўшни Қирғизистоннинг Уш вилотида келган қорадори-95 тадбирини жиноят вақтида фоти этишди. Икки киши ўзлари билан икки килограммга яқин афюн моддасини олиб келган экан. Улар қўлга олинди. Мана шундай жиноят Чиноз тумани ички ишлар бўлими ҳодимлари томонидан ҳам очилди. Гиёвандлик моддалари билан савдо қилган кишилар ушландилар. Матвеев деганининг уйи тинтув қилинганда эса бозорга чиқариш учун мўлжалланган бир килограммга яқин қора дори топилди.

— Халқимиз азал-азалдан пора ва порахўрлардан жirkanиб келган. «Порахўрдан ҳазар» деган матали элимиз топиб айтган. Чунки порахўрлик жиноятларнинг энг оғир ҳисобланади.

— Тўғри, порахўрлик энг жirkan-на ва оғир жиноят. Унга қарши курашган ҳар томонлама қўчайтириш учун зарур чораларни қўяпти. Илнинг ўтган даврида 62 та порахўрлик ҳолатлари аниқланган, улар бўйича 65 та лавозимли шахслар ва фуқаролар жиноий жа-вобгарликка тортилган, улардан 24 миқдан кўпроқ АҚШ доллари, ярим миллион сўмдан кўпроқ пул мусодара қилинган фикрнинг далилидир. Вилотимизда порахўр-ликнинг энг кўп ҳолатлари деҳқон-чилик санати маҳкуми, назорат о-ранлари ва соғлиғини, сақлаш идо-ранларида рўй берапти. Айниқса назорат тақдиротлари ҳодимлари томонидан ана шундай оғир жи-ноят қўл урилганда ташвишлан-май бўлмоқда. Милиция ҳоди-млари бундай ҳолатларга қарши кескин кураш олиб бориб, пора-хўрларни ҳам, пора берувчиларни ҳам ўз вақтида ҳибсга олиб, те-гишли чоралар қўймоқда. Зеро, бундай кишиларга савимизда ўрин йўқ.

Ички ишлар идоралари айни пайтда валюта операцияларини олиб бориш қондаларини бузаёт-ган шахсларни аниқлаш ва уларга



ҚУЙЧИРЧИҚ туман ички ишлар бўлимининг ДАН бўлимига йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларини мунтазам техник қўриқдан ўтказиб бориш билан бирга аҳоли ўртасида кенг ташвиқот-тарбият ишларини ҳам қилиш бўлиб кўриб. Суратда: бўлими бо-лиги, милиция капитани Ш. Қаримбоев йўл-патруль нозирлари — Р. Алак-баров, Ф. Қурбоню, жамоатчи Ф. Оролов ҳамда вилот ДАН бошқарма-си катта муҳандиси Ш. Суҳанбердиев билан қўриқлик ишлар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Даврон Аҳмад олган сурат.

163 та халқ ҳўжалиги объекти ички ишлар бўлими томонидан қўриқ-лаш учун қабул қилиб олинди. Мана шу жойлардаги майдон талон-то-рохларга қарши кураш қўчайтириш-лигини натижасида 1366 киши уш-ланиб, улар ўғирланган бойликлар давлатга қайтарилди.

— Вилотимиз пахта тайёр-лаш режасини ортиги билан ба-жарди. Бунда ички ишлар бош-қармаси ва бўлимлари ҳодимла-рининг ҳам ҳиссаси катта, ал-батта. Мавсум давомида шу со-ҳада қандай тадбирлар амалга оширилганлиги ҳақида сўзлаб берсангиз.

— ИИБ ва унинг қўйи бўғинлари фақат пахта йиғим-терими ишлари билан боғлиқ бўлган тадбирларда-гина эмас, балки галла ўрими иш-ларида ҳам фаол иштирок эти-ди. Республика ҳўкуматининг гал-ла мустақиллигига эришиш ҳамда бошқили галла ҳосилини уюшқо-лик билан йиғиб-саранжомлаб олиш тўғрисидаги қарорлари асо-сида «Хосил-95» тадбирини амал-га оширдик. Дон экилган 15 та ту-манда 552 та милиция ҳодимлари-дан иборат 98 та тезкор-қидирув гуруҳлари тўзилди ва улар галлани талон-торож қилишга қарши кураш олиб боришди. Шунингдек ети-штирилган пахта ҳосилини йиғиб-те-риб олиш мавсумида ҳам ҳоди-мларимиз алоҳида жонбозлик қў-ратмоқдалар. Шахсан милиция ор-ганларининг 300 дан кўпроқ ҳоди-млари пахта теримида жалб қили-ди, 600 нафардан кўпроқ ҳоди-млар эса пахтакор туманларда жа-моат тартибини сақлаш билан шу-ғулланишди. Айниқса, ИИБ ДАН ҳо-димлари мавсум давомида йўлов-чи ташйидиган автобуслар, пахта ортлган транспорт воситалари ҳа-ракатини бошқаришда фаоллик қўрсатдилар. Биз вилотимиз пах-

та тайёрлаш режасини бажар-ган айни кунларда бу муҳим иш-га муносиб ҳисса қўшганлиги-миз билан фахрланамиз. Гапининг нисбатига эъти-борни йилнинг қолган ойлари давомида олдимизда турган ва-зифаларга қаратмоқчиман. Жи-ноятчиликка, айниқса, унинг уюшган турларига қарши кураш-ни қўчайтириш, жиноятларни ўз вақтида очиб, жазонинг мукар-раллигига эришиш, жиноий жа-вобгарликдан қочиб юрган шах-сларни қидириб топиш ишлари-нинг янада қўчайтириш, оила-турмуш доирасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик олдини олиш, улар билан яқша тартибда иш олиб бориш, шу мақсадда иш ишларга меҳнат жамоалари, ма-халла қўмиталари, фахрийлар кенгашларини яқиндан жалб қи-лиш, шахсий таркибининг жанго-вар ва касбий тайёрлигини янада қўчайтириш доимий эъти-боримизда бўлади. Зеро булар жиноятчилик олдини олиш ва ун-га қарши курашда асосий омил бўлади.

— Суҳбатингиздан миннат-дорим. Сизни ва сиз орқали ички ишлар бошқармаси, ун-инг қўйи бўғинлари ҳодимла-рини катта байрам — мили-ция ҳодимлари кўни билан қизғин табриқлаймиз.

— Раҳмат. «Тошкент ҳақиқа-ти» газетаси ҳодимларини қам-байрам билан муборакбод қил-ганимиз, иходий ишлариде му-ваффақиятлар тилаймиз. Ички ишлар ҳодимлари албатта газе-тангизга оубна бўладилар. Биз уни ҳаммиса қизқиб, марок би-лан ўқиб бораёямиз.

Суҳбатдошлар
Р. ТУРСУНОВ ва
Р. ЁДГОРОВ.

МИСРЛИК ОЛИМЛАР ТАШРИФИ

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти тақлифига биноан бир гуруҳ мисрлик араб тили мутахассислари пойтахтимизга ташриф буюрди. Улар мақорат институтида ўзбекистонлик ҳамкасблари билан араб тилини ўргатиш борасида ҳамкорлик қиладилар.

КўРИК ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Тошкентдаги «Нуронийлар оромгоҳи»да мамлакат аҳолисида иж-тимоий таъминот хизмати қўрсатиш сифатини ошириш ҳамда иж-тимоий таъминот бўлимининг иш услубини яхшилаш, ҳодимлар ма-лакаси, билим ва савиясини юксалтириш мақсадида «Пенсия қо-нунчилиги билимдон» республика кўрик-таълими ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, вилотлар ва Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармалари ўт-казган кўрик голиблари беллашди. Тошкентлик Наргиза Пармон-хўжаева биринчи ўринни, жиззалик Эркин Сууюнов иккинчи ўрин-ни, бухорлик Негбой Раҳимов учинчи ўринни эгаллади.

(Ў.А.)

УЙИНГИЗНИ ТАЪМИРЛАМОҚЧИСИМИ?..

Шундай қилиб, уйингизни таъмирлашга киришмоқчисиз. Агар ҳонадо-нингизда бу ишни қандай амажга ошириш лозимлиги ҳақида қиссалар берадиган усталар бўлмаса, яхшиси таъмирлашни ўзингиз қилмай, шу ишнинг билгонларига топширганингиз маъқул. Аммо, четдан уста ё-лашдан олдин қуйидаги маслаҳатларе амал қилсангиз ёмон бўлмайди.

● Реклама — эълонларга унчалик ишон-манг. Реклама орқали иш қўридаган «таж-рибадорлар» сизни қалғитиб қўйиши мум-кин. Уйингиз таъмирлангач, бир ҳафта ўтар-ўтмай «мендан кетгунча — эгасига ет-гунча» қабилида иш қилингани сабабли епиштирилган плитка ва гулкозолар қў-чи қўшади, қранлардан сув оқадиган бў-лади. Шундай воқеа содир бўлмаслиги учун ишончли мутахассислардан танишла-ри бўлган яқин одамларингизга мурожаат қилинг. Ана шунда асабларингиз қакша-майди, муҳими пулингиз бекор кетмайди.

● Гап пул ҳақида боракан, иш тўғри-сида келишиб олган, пулни бирварақай бе-риб юборманг. Шундай воқеалар ҳам рўй берадики, таъмирчилар буюртмачилардан пулни олган, ишни тасоламай, ими-жи-миз ўй бўлиб кетишлари ҳам мумкин.

Чунки, баъзилар яшаш жойлари тўғрисида сизга нотўғри ахборот берган бўладилар.

● Уйингизни сифатли таъмирлашдан де-сангиз, аразон усталарни қидирманг, мате-риалларни ҳам тежаманг. Негаки, сиз бир-инки ой учун эмас, бир неча йил учун уйи таъмирлатаёзсиз.

● Ҳўжалик дўконига бир ўзингиз эмас, тақлиф қилган устангиз билан бирга бо-ринг. Негаки, сиз учун чиройли ва пишиқ туолган мате-риал хонангизга ярашмаслиги мумкин. Яхшии, Италия ва Олмонияда ишлаб чиқарилган таъмирбот материалларини харид қилгани-гиз маъқул — сифатли ва пишиқ бўлади.

● Ошхона, хожатона, ваннахона ва дах-лизинг полларини плитка билан қопла-шингизни маслаҳат беримиз. Ана шунда қранни беркитишни унстангиз ёки бата-ренгиз ишдан қисқа, сув сизилиб, қўш-нигизниқидан чакка ўтмайди. Бундан таш-қари супуриб-сидириш ва артиб-тозалаш ҳам осон қўлади.

● Сизни сурақларлар безовта қилати-ми? Ундай бўлса, квартирадаги барча те-

шиклари беркитиб ташланг. Шамоллатиш учун қолдирилган тешикка эса майда сим-тўр тортинг. Хоналарни ҳашаротларга қар-ши моддалар билан дорилаб чикинг. Агар тозалikka рия қилсангиз, ювилмаган ко-са ва ликочаларни қолдирмасангиз, су-вараклар ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади.

● Ит ва мушқлар уй деворларига тир-нонини ишқаб, «чарқлашни» яхши қўради-лар. Шу сабабли ит ва мушқлар сақлайди-ган хонадонларда гулкозоларни байроми-кс (мармар қўқуни) билан бир метр бала-ндликда ишлаб чикинг. Ана шунда фақат чиройли бўлиб-гина қолмай, гулкозоларингиз ҳам ийртля-

майти.

● Ваннахона ва хожатонадаги ишлар-га алоҳида эътибор беринг. Электр ёрит-

гичлар билан сув қўвурлари бир-бирига яқин ўтмасин.

● Агар оилангиз унчалик катта бўл-маса, хожатона билан ванна ўртасидаги де-ворни олиб ташлаганингиз маъқул. Ана шунда бу хона анча кенг бўлиб, кир ювиш ҳам осонлашади.

● Айвонга ойнали ром ўрнатсангиз, фойдаланиладиган қўшимча майдонга эга бўласиз. Бироқ, бу ерга асло батарея ўр-ната қўрманг — қаттиқ совуқда суви муз-лаб, ёрилиб кетиши мумкин.

● Яна бир маслаҳат — сизга идоралар-ни таъмирлайдиган бригадани тасвиза қи-лишлари мумкин. Сира ҳам рози бўлманг. Негаки, уй билан идора биноси бошқа-бошқа жойдир. Агар идораларни таъмир-лашга ихтисослашган бригадани ишингиз тушгудек бўлса, хонадонингиз таъмири кў-пол қилиб, ўз қўринишини йўқотди.

Янгийўл шаҳар ҳокимлиги шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи А. А. Қосимовга отаси

Акрам
МАХМУДХОНОВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур
таъзия изҳор қиладди.

Янгийўл шаҳар ҳокимлиги шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи А. А. Қосимовга отаси

Анвар
КОСИМОВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур
таъзия изҳор қиладди.

ОХАНГАРОН шахар ички ишлар бўлими ўзининг қўриқлик фаолиятида жамоат таъминотлари, қорхона ва муассасалар жамоялари билан яқин алоқада иш олиб боришда. Шу сабабли бу ерда жиноий ишларни очиб анча осонлашди, жиноятлар содир бўлиши қамалди.

Суратда: бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Й. Хўсанов милициянинг жамоатчи фаолияти билан барча.

Б. ХОЛИМЗАЕВ олган сурат.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
•
TOSKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир
Фатхиддин
МУХИДИНОВ

Матнлими:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 32-57-27.

Мақолалар, эълон ва билидувлар-даги факт ҳамда даъволарнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Фойдаланилмаган мақолаларга жам-жавоб қайтарилмайди.